

Алишер Навоий йигитлик давридаёк шоир сифатида катта шухрат қозонган. Шоирнинг ўзи хали расмий девон тартиб беришга улгурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машхадда (“Илк девон”), бири Шерозда (“Оккунли ихлосмандлар девони”) мухлислар томонидан тузилиб, кўчирилганлиги ҳазрат Навоий шеърларига ҳамма даврларда, ҳусусан, ўз даврида ҳам юқори даражада эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради. Адабиёт яратилибдики, хали жаҳон Алишер Навоийдек икки девони ихлосмандлари томонидан тартиб берилган иккинчи бир шоирни кўргани йўқ.

Алишер Навоий шеърлари жанрларга бойлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг туркий тилда яратган шеърлари 16 жанрда бўлиб, ушбу ижод намуналари том маънода шакл ва мазмун бирлигининг юксак намунаси ҳамдир. Ушбу 16 жанр орасида мухаммас алоҳида ўрин тутаяди. Чунки ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, шоир ўз газалларига мухаммас боғлашдек янги анъанага асос солган экан.

“Ҳазойин ул-маоний” номли йирик қуллиётдан шоирнинг 10 та мухаммаси ўрин олган. Маълумки, мухаммас арабча “бешлик” маъносини билдириб, ҳар банди беш мисрадан иборат шеър шакли ҳисобланади. Мухаммаслар яратилиш ҳусусиятига кўра 2 хил бўлади:

- 1) таъби худ, яъни мустикал мухаммас;
- 2) тахмис – газални бешлантириш асосида яратиладиган мухаммас.

Таъби худ мухаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустикал равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз газалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзунини давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни саклаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган газалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мактаъ бандда тахмис боғлаётган шоирнинг таҳаллуси ҳам келтирилади.

Кизиги шундаки, Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”га киритилган 10 мухаммасидан барчаси тахмис, яъни газални бешлантириш асосида вужудга келган мухаммас ҳисобланади. Буларнинг 3 таси “малик ул-қалом” Лутфийга, қолган 7 таси эса шоирнинг ўз газаллари асосида яратилганлиги билан характерланади. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз газалига тахмис битиш ҳодисаси кам учрайди.

Аввало, Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини қачон битган ва у қимнинг газалига боғланган, деган савол устида қисқача тўхталсак. Профессор Ҳамид Сулаймон томонидан тайёрланган ва шоирнинг дастлабки шеърлари киритилган “Илк девон”нинг фотонусха нашрида бир мухаммас мавжудлигини қўрамади. Бу мухаммас девоннинг 1376 – 138а саҳифаларидан ўрин олган бўлиб, мавлоно Лутфий газалига боғланган. Агар ушбу девоннинг 1465-1466 йилларда тузилганлигини ҳисобга олсак, Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини 25 ёшига қадар яратиб бўлганлиги маълум бўлади. Мазкур тахмис қуйидаги банд билан бошланади:

Шарбати “юҳйил изом” эрни майи нобиндадур,
Сураи “вашшамс” тафсири юзи бобиндадур,
Шархи “мозогулбасар” наргислари хобиндадур,

Лайлатул меърожнинг шархи сочи тобиндадур,
Коба кавсайн иттиходи коши мехробиндадур.

Бунда ажратиб кўрсатилган мисралар Лутфий каламига мансуб бўлиб, юкоридаги уч мисра Алишер Навоий томонидан битилган.

Ўзга шоир газалига тахмис боғлаш – бу гўё шу шоир билан ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобакага киришишдир. Шунинг учун ҳам ижодкорлар, одатда, ўз тахмисларини маълум поэтик маҳоратга эга бўлганларидан кейин ярата бошлаганлар. Яна шуни унутмаслик керакки, бунда газал муаллифи билан унга тахмис боғлаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёкараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва гоёвий яқинлик бўлиши зарур. Тахмис муаллифи газалда келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий гоёлари билан шундай тўлдириши ва бойитиши керакки, натижада, вужудга келган шеър унга асос бўлган газал билан уйғунлашиб, бир муаллиф томонидан яратилгандек тасаввур уйғотсин.

Шу ўринда савол тугилади: Нега Алишер Навоий ўзининг илк тахмисини айнан Лутфийнинг шу газалига боғлади?

Саволга жавоб топиш учун Лутфий газалига эътибор қаратамиз. Газал куйидаги байт билан бошланади:

Лайлатул меърожнинг шархи сочи тобиндадур,
Коба кавсайн иттиходи коши мехробиндадур.

Матлаъдаёк маълум бўладикки, Лутфий газалининг лирик қаҳрамони гўзалликда тенгсиз ёр. Унинг тундек қора сочи замирига меърож кечасининг шархи яширинган, мехробдек коши эса коба кавсайн – икки ёй оралигидаги масофани ёдга солади. Бу ўринда мавлоно Лутфий ёр тасвири асносида пайгамбарнинг меърож тунида Холик ҳузурига кўтарилиши ва Яратган билан расул орасидаги масофа икки кош оралигидек яқин бўлганлиги ходисасига ишора қилади. Газалнинг кейинги байтлари ҳам ёр гўзаллиги таърифи билан давом этиб, унинг ширин ва жонбахш лабидан салсабил (жаннат булоғи) саргардон, Хизр ва Исо Масихлар хижолатда эканлиги таъкидланади. Шу тарика газал байтлари ёр таърифига тавсифи тарзида давом этади.

Алишер Навоийнинг мазкур газалга мурожаат қилиши ҳам тасодифий бўлмай, муайян асосларга эга. Навоий шу йиллари буюк сўз устаси Абдурахмон Жомий билан танишган ва устози таъсирида ваҳдат ул-вужуд (бутун борликнинг ягоналиги) таълимотига кизиккан. Маълумки, Абдурахмон Жомий ваҳдатул вужуд таълимотини накшбандия тариқатига татбиқ қилади. Ундаги гоёга кўра, комил инсон – Яратганнинг бир зарраси сифатида ҳам ташки, ҳам ички гўзалликлар мажмуидир. Комил инсон тимсолининг олий намунаси бўлган Пайгамбар (с.а.в)дан тортиб барча валий зотлар ҳам комил инсон тимсоли ҳисобланадилар. Лутфий газалида тавсифи келтирилган ёр муайян маънода комил инсон тимсолидир. Шу ўринда айтиш мумкинки, инсонни бутун “маҳлуқотларнинг

тожи” сифатида улуглаган Алишер Навоий “малик ул-калом”нинг ушбу газалидан таъсирланиши ва ундаги гоёни ривожлантириб, мазкур газалга тахмис боглаши бежиз эмас эди. Навоий тахмиснинг биринчи бандида Лутфий газали матлаъсида келтирилган комил гўзаллик таърифига хамоханг тарзда иктибос санъатидан фойдаланиб, хар бир мисрада Куръон оятларидан жумла келтиради:

Шарбати “юхйил изом” эрни майи нобиндадур,
Сураи “вашшамс” тафсири юзи бобиндадур,
Шархи “мозогулбасар” наргислари хобиндадур...

Навоий талкинида ёрнинг лаби ўликларни тирилтирувчи тоза шарбат, Куръони Каримдаги “Ваш шамс” сурасининг изохи унинг юзида акс этади, “кўз алданмади” оятининг шархи унинг кўзларида намоён. Бу таъриф Лутфий каламидан тўкилган соч ва кош таърифлари билан бирлашиб, мукамал гўзаллик тасвирининг ёркин намунаси вужудга келганлигини кўрамыз.

Одатда, газалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони газал байтларига мос холга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хохишига кўра, газалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар кискартирилиши мумкин. Айнан шу холат юкоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган Лутфий газали, аслида, хажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг икки байти кискартирилиб, 5 банд холига келтирилган. Хусусан, куйидаги икки байт Навоий тахмисида учрамайди:

Хомаи кудрат-ла битганда не мусхафдур юзи
Ким, малохат ояти мажмуъ анинг бобиндадур...

Кўзлари хар гўша уйкудин кўпорур фитналар,
Турфа махмуреки чандон фитналар хобиндадур.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Юкоридаги икки байтга эътибор каратсак, уларда юз ва кўз тасвирини кўрамыз. Биринчи байтда ёр юзи кудрат калами ила битилган Мусхаф, яъни Куръонга нисбат берилса, иккинчи байтда унинг кўзлари уйкуда ҳам фитна кўзготувчи махмур (маст)га ўхшатишмоқда. Алишер Навоий ўз тахмисининг биринчи бандидаёк юз ва кўз тасвирининг мукамал тарздаги баёнини бериб бўлганлиги учун уни яна такрорлашга эhtiёж колмаяпти ва ўз-ўзидан энди бу икки байт мазмун жихатидан тахмис учун ортикча эканлиги сезилади. Яна бир сабаб кофия талаби билан боғлиқ. Тушириб колдирилган байтлардаги кофияларга эътибор каратсак, улар

“бобиндадур” ва “хобиндадур” тарзида эканлигини кўрамыз. Алишер Навоий тахмиснинг матлаъ бандидаёк ушбу кофиялардан фойдаланганлиги учун уларни такрор холда кўллашни истамаган ва шу тарзда тахмис 5 банд холатига келган.

Филология фанлари доктори Афтондил Эркинов фанга маълум килган ва шоирнинг мухлислари тузган иккинчи девони хисобланадиган “Оккююнли ихлосмандлар девони” таркибида 3 мухаммас мавжуд. Уларнинг барчаси Лутфий газалларига боғланган. Мазкур девоннинг 1471 йилда тузилганлиги 30 ёшли шоирнинг дастлабки тахмислари факатгина устози Лутфий газаллари асосида яратилаётганлигини билдиради. Девондан ўрин олган кейинги тахмислар куйидаги банд билан бошланади:

2-тахмис:

Маснади хусн узра токим кўрмишам ул шохни,
Тийра айлабмен фиғондин нилгун хиргохни,
Эй сабо, арз айла ногах кўрсанг ул дилхохни,
Кўктадур хар дам фиғоним кўргали сен мохни.
Даъвии меҳрингга тонук тортадурмен охни.

3-тахмис:

Халкайи зулфунгда кўнглум бўлгали гам махрами,
Ул кора кайгу билан савдода чун ортар гами.
Дер санга девонаву шайдолигидин хар даме,
Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Халка-халка рухнинг сарманзилидур хар хаами.

Ёш Навоийнинг дастлабки мухаммасларини “малик ул-калом” газалларига боғлаётганлиги бежиз бўлмай, бу холатни Лутфийнинг Навоийгача бўлган туркий адабиётда тутган юксак макоми, унинг бадиий жихатдан мукамал шеърятти билан изохлаш мумкин. Алишер Навоий “Мухокамат ул-лугатайн”да туркий шеърятда ўзидан аввал етишиб чиккан бир неча шоирларни тилга олиб, шундай ёзади: “Саккокий ва Хайдар Хоразмий ва Атоий ва Мукимий ва Якиний ва Амирий ва Гадоий... Ва форсий мазкур бўлгон шуаро (таъкид бизники – Д.Ю.) мукобаласида киши пайдо бўлмади, бир мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ ахли қошида ўкуса бўлур...”

Алишер Навоий бу ўринда туркигўй шоирлар орасида форсий адабиётдаги Хоконий, Авхауддин Анварий, Камол Исмоил, Захир Форёбий, Салмон Соважийдек касиданавислар; Абулкосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийдек маснавий усталари; Саъдий Шерозий ва Хофиз Шерозий каби газалнавис шоирлар етишиб чикмаганлигига эътиборини қаратиб, туркий шоирлардан факат Лутфийгина улар билан шеърий мусобакага киришиш салоҳиятига эга бўлганлигини таъкидлапти. Алишер Навоийнинг ўттиз ёшгача бўлган даврда яратган тахмислари айнан Лутфий газалларига битилганлиги бу фикрни асослайди.

Алишер Навоийнинг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя” 1470-1480 йиллар оралигида Султон Хусайн Бойқаронинг таклифи билан тузилган. Мазкур девон таркибига 5

мухаммас киритилган бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси юқорида келтириб ўтганимиз – Лутфий газалларига битилган.

Аммо кейинги икки тахмисни шоир айнан ўз газалларига боғлаганлиги масаланинг эътиборли жихати хисобланиб, бу алохида таҳлил қилиниши лозим бўлган нуқтадир. Диккатимизни девондаги “Жудо” радифли мухаммасга қаратсак. Тахмис куйидаги банд билан бошланади:

Охким, воламен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо,
Бенаводур жон доғи ул хури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Агар “Бадоеъ ул-бидоя” таркиби ўрганиб чиқилса, мазкур тахмисга асос бўлган газал айнан шу девоннинг ўзида – 52-ўринда келаётганлигини кўриш мумкин. Демак, шоир мана шу ўриндан бошлаб, ўз каламига мансуб газалларга тахмис боғлашга киришяпти. Яна ҳам эътиборни тортадиган жихати, тахмисга асос бўлган газал мухлислар томонидан тартиб берилган “Илк девон”да (19-б саҳифа) ҳам учрайди. Демак, кўриняптики, бу газал шоирнинг 25 ёшгача бўлган даврида яратилган ва кейинроқ, “Бадоеъ ул-бидоя” таркибига ҳам киритилган. Маълум бўляптики, шоир ўзининг йигитлик даврида битган газалига алохида эътибор билан қараяпти. Уни дастлабки расмий девонига ҳам киритиб, яна тахмис боғлаш учун ҳам танлаб оляпти. Бундан кўриш мумкинки, Алишер Навоий ўзининг ёшлик лирикасига мансуб газали мавзусига орадан вақт ўтгач яна қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тарика бу газалини мухаммас холига келтирган. Мазкур тахмис таркибини кузатадиган бўлсак, ундаги баъзи ўринлар газал матнидан бир оз фарқланишини кузатамиз. Хусусан, мазмун талабига кўра, газалдаги тўртинчи ва бешинчи байтларнинг ўрни алмашган. Шунингдек, бешинчи байтдаги “гардун” сўзи кофия имкониятига қараб тахмис таркибида “даврон” сўзи билан алмаштирилган. Натижада, шоир “гардун” сўзининг ўрнига “жонон”, “жон”, “хижрон” сўзлари билан кофиядош бўлиш имконига эга бўлган “даврон” сўзидан фойдаланган. Газал байтини тахмис мисралари билан қиёсласак:

Газал байти:

Хажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Энди бу байт тахмис таркибида қандай ҳолатда қўлланилганлигини кўрамиз:

Қилгали маҳрум жоми васлдин жонон мени,
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ха замоне ўлтурур гам захридин хижрон мени
Хажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени

Айлагил жондин жудо, килгунча жонондин жудо.

“Бадоеъ ул-бидоя”даги “Окибат” радифли тахмисга асос бўлган газал ҳам айнан шу девон таркибида 82-ўринда учрайди. Колган тахмисларни ҳам ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 7 тахмисдан олтитасига асос бўлган газаллар шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврларида яратилган бўлиб, улар “Хазойин ул-маоний”нинг муайян девонидан ўрин олиш билан бирга ундан илгариги девонлар таркибида ҳам учрайди. Хусусан, уларнинг биттаси “Илк девон”га, иккитаси “Бадоеъ ул-бидоя”, учтаси “Наводир ун-нихоя”га киритилганлигини кузатиш мумкин.

Навоий тахмисларининг “Хазойин ул-маоний”да жойлашиш ўрнини куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Мухаммас “Гаройиб ус-сигар” “Наводир уш-шабоб” “Бадоеъ ул-васат” “Фавойид ул-кибар”
Лутфийга тахмис 1 1 1 0
Ўз газалларига тахмис 2 2 1 2
Жами 3 3 2 2

Шу ўринда яна савол тугилади: нима учун Алишер Навоий маълум бир ёшдан сўнг ўз тахмисларини бошка шоирларнинг газалларига богламай, ўзининг газаллари асосида мухаммас битишни маъкул кўряпти?

Маълумки, Алишер Навоий сўзга, хусусан, шеърга юксак талабчанлик билан ёндашган. У хар бир жанрнинг конун-қоидаларини чуқур билгани холда мухаммас жанрига ҳам ижодкор гоёларининг ифодаси сифатида караган. Алишер Навоий танлаган газалда буюк шоирнинг дарду дунёси, албатта, акс этиши шарт эди. Эҳтимол, Алишер Навоий муайян бир ижодий салоҳиятга етишгандан сўнг туркий адабиётда мана шундай шеър намунасига дуч келмагандир, бошка шоирларнинг байтларида ўз оламининг акс-садосини хис этмагандир?! Бу эса бадиий диди юксак бўлган Алишер Навоийнинг ўз газалларига тахмис боғлашига олиб келган бўлиши мумкин. Колаверса, шоир, юкорида кўрганимиздек, “Мажолис ун-нафоис”да туркий тилда ижод қилган Атойи, Гадоий, Саккокий каби йирик шоирлар хақида тўхталгани холда факат Лутфий газалларини тахмис битишга муносиб кўрмоқда.

Шу ўринда яна куйидагича саволлар пайдо бўлиши табиий: мумтоз адабиётимизда ўз газалларига тахмис боғлаш ходисаси Алишер Навоийгача мавжудмиди? Бу холат Алишер Навоийдан кейин қай даражада давом этди?

Ўз газалларига тахмис боғлаш мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоийгача кузатилмаган. Навоийдан кейин эса бундай холат баъзи шоирлар, хусусан Хива адабий мухити ижодкорларида кўринади. Мухаммад Рахимхон Феруз давридаги XIX аср Хива адабий мухитида темурийлар ва Алишер Навоий ижодига кизикиш ва эҳтиром юксак даражада бўлиб, Ферузшоҳ ўз фаолияти давомида Султон Хусайн Бойкарога таклид қилишга уринган ва Алишер Навоий сингари ўз газалларининг аксариятига ўзи тахмис

боглаган . Худди шу мухитнинг яна бир йирик вакили Муҳаммад Ризо Огахий ҳам Алишер Навоий, Фузулий каби улуг сўз усталарига мухаммас боғлагани холда ўзининг ўнта газалини бешлантириб, тахмис холига келтирган .

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ёшлик ва йигитлик чоғларида туркий шоирлардан Лутфий ижодига юксак эҳтиром билан караган ва туркигўй шоирлар орасидан айнан Лутфий газалларига 3 мухаммас боғлаган. Кейинчалик (ўттиз ёшдан кейин) ёзган тахмисларига эса ўз газалларини асос қилиб олган. Тахмис учун танланган газалларнинг деярли барчаси шоирнинг ёшлик ва йигитлик даврида яратилган бўлиб, уларнинг “Илк девон”, “Бадоеъ ул-бидоя” ҳамда “Навоир ун-нихоя”да учраши бу фикрни исботлайди. Демак, шоир ўзининг ёшлик ва йигитлик чоғидаги ижодига алоҳида эътибор билан караган ва бу даврда ёзган газалларига ўз ижоди жараёнида қайта-қайта мурожаат этиб турган. Шоир муайян мавзуга доир газал ёзар экан, орадан вақт ўтиб, шу мавзуга қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тарика ўз газалларини мухаммас холига келтирган бўлиши мумкин. Алишер Навоий ўз газалига тахмис боғлаш натижасида мумтоз адабиётимизда мавжуд анъаналарга янгича рух бахш этиб, ўзининг новаторлик салоҳиятини намоён этган. Шоир тахмис боғлаш учун ўз газалларини танлар экан, улардаги рухнинг ёшликка хос жўшқин ва шиддаткор эканлигига алоҳида эътибор қаратган. Натижада, биз мазкур тахмисларни ўқир эканмиз, ёши улгайиб бораётган Навоийнинг ички дунёси ва навқирон Алишернинг қайноқ хиссиётлари санъаткорона уйғунлашганига гувоҳ бўламиз.

Ижод – сирли жараён. Юксак санъат намунаси бўла оладиган ижодий асарларнинг яратилиши мухлислар учун ҳамиша қизиқ бўлиб келган. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий мухаммасларининг яратилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш шоирнинг ижод ва илхом хиссиётлари билан боғлиқ тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради.